



УДК:372.678

Ойгул ШАРИПОВА,

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.н

E-mail: oygul_sharipova@mail.ru

БухМТИ доценти Г.С.Юнусова тақризи асосида

THE PROBLEM OF THE BODY AND SPIRIT IN THE SUFI DOCTRINE OF KHOJAGON

Abstract

This article is devoted to the philosophical analysis of the issues of body and soul in the work "Rutbat-ul Hayat" (Criteria of Life) by Yusuf Hamadoni, the teacher of Abdulkhaliq Gijduvani, the founder of the Khojagan sect in mystical teachings. It is said that this work serves to reveal the anthropological, epistemological, axiological nature of the sect.

Keywords: Sufism, mysticism, thinking, Abdulkhaliq Gijduvani, Yusuf Hamadoni, science, conscience, body, soul, social life, moral education, man, life.

ПРОБЛЕМА ТЕЛА И ДУХА В СУФИЙСКОМ УЧЕНИИ ХОДЖАГОНА

Аннотация

Данная статья посвящена философскому анализу вопросов тела и души в произведении «Рутбат-уль хайят» («Критерии жизни») Юсуфа Хамадонии, учителя Абдулхалика Гиждувани, основателя секты Ходжаган в мистических учениях. Говорят, что это произведение служит раскрытию антропологической, эпистемологической, аксиологической природы секты.

Ключевые слова: суфизм, мистицизм, мышление, Абдулхалик Гиждувани, Юсуф Хамадонии, наука, совесть, тело, душа, душа, общественная жизнь, нравственное воспитание, человек, жизнь.

ХОЖАГОН ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ТАНА ВА РУҲ МАСАЛАСИ

Аннотация

Ушбу мақола орқали тасаввуф таълимотидаги хожагон тариқатининг асосчиси Абдулхалиқ Гиждуванининг устози Юсуф Ҳамадоний қаламига мансуб “Рутбат –ул ҳаёт”(Ҳаёт мезони) асаридаги тана ва руҳ масалаларининг фалсафий таҳлилига бағишланган. Ушбу асар тариқатининг антропологик, гносеологик, аксиологик моҳиятини очишга хизмат қилиши ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: сўфийлик, мистика, тафаккур, Абдулхалиқ Гиждувани, Юсуф Ҳамадоний, илм, виждон, тана, руҳ, жон, ижтимоий ҳаёт, ахлоқий тарбия, инсон, ҳаёт.

Кириш. Тасаввуф инсонни баркамолликка етакловчи бир йўл бўлиб, унда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги биринчи ўринга қўйилади. Моддий, яъни, жисмонан баркамолликни асосан руҳий ҳолат бошқаради. Руҳий-маънавий камолотга эришган инсонлар комил инсонлардир. Жамиятда мана шундай юксак мақомга эришиб, халқи, юрти учун камолот йўлини ўз асарлари орқали баён этган буюкларнинг ҳаёт йўли биз учун ибрат мактабидир.

Бизга маълумки, хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси Абдулхалиқ Гиждуванининг устози Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт”, “Қашф”, “Рисола дар одобии тариқат”, “Рисола фи анал кавна мусаххарун лил-инсон”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарлари мавжуд бўлиб, юқоридаги масалаларга эътибор қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Асарларининг орасида ҳажмий жиҳатидан ҳам салмоқлиси “Рутбат ул-ҳаёт”дир. Ушбу рисола инсон ҳаётининг фарқли даражалари тўғрисида савол-жавоб тариқасида ёзилган. Саволларга жавоб беришда Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси Шарифдан далил келтиради, фалсафий хулосалардан фойдаланилади. Рисолада Аллоҳ ва унинг расулига ҳамду санола айтиб, Яратганнинг сифатларини ифодоловчи номлар келтирилади ва фалсафанинг умумназарий масалаларига тегишли бўлган мавзулар ҳақида фикр билдирилади. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт)” асарида

инсон ҳақидаги ғоялар, хусусан тана ва руҳ масаласи таҳлил этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Марказий Осиё тасаввуф тарихи, тасаввуф таълимотининг диний-ирфоний моҳияти масалаларига оид М. Болтаев, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, Н. Ҳасанов, Э. Каримов, Р.Шодиев, Г.Наврўзова, М. Маматов, М. Жакбаров, З.Исҳоқова, Хожагон тасаввуфий таълимотининг шаклланиш тарихи ва етти пирларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари Г. Наврўзова, С. Сайфуллох, Н. Сафарова, О. Шарипова, С.С. Бухорий, Г.Юнусоваларнинг тадқиқотларида очиб берилган ҳамда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” номли асарида тасаввуфнинг инсон қалбини поклашдаги ва маънавиятини такомиллашдаги моҳиятини очиб берилган. Профессор Н.Сафарованинг Марказий Осиёдаги илк тариқат хожагон тасаввуфий таълимотининг диний-фалсафий, ирфоний моҳиятини ҳамда “Етти пирлар” тазкира ва мақомотларидаги моҳиятига қаратилган изланишлари маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Тасаввуф таълимотидаги хожагон тариқатининг асосчиси Абдулхалиқ Гиждуванининг устози Юсуф Ҳамадоний таълимотига кейинги вақтларида махсус эътибор берилган. Бу табаррук инсон ҳақидаги Абдулхалиқ Гиждуванининг мақомотлари, ўзлари томонидан ёзилган “Рутбатул ҳаёт”, “Одобии тариқат”, “Инсон ва коинот ҳақида рисола” рисоалари Сайфуддин

Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасанлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди. Профессор Г.Наврўзова ва Н.Нурматовалар томонидан “Юсуф Ҳамадоний етти пирларнинг табаррук устози” мавзусида монография чоп этиришди [1]. Ёш тадқиқотчи олимлар Гулзода Нуннуова ҳамда Санжар Барноевларнинг ҳам Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва маънавий меросини фалсафий нуқтаи-назардан таҳлиliga доир қатор тадқиқот ишлари чоп этилмоқда. Бироқ, Тасаввуф таълимотидаги ҳожагон тариқатидаги, хусусан, устоз Юсуф Ҳамадоний меросидаги тана ва рух, тана истакларини нафс билан боғлиғини ва нафсни жиловлаш масалалари ёритилмаган.

Тадқиқот методологияси. Юсуф Ҳамадоний инсонга бутун борлиқни сарвари, энг ҳурмат ва иззатга сазовор махлуқот сифатида баҳо беради. Бутун борлиқ, жонли ва жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот инсон учун яралгани ва унинг тасарруфида эканлигини таъкидлайди. У инсонни тана ва рухдан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади.

Юсуф Ҳамадоний инсон вужудини бир жойда бадан, бошқа жойда тан, учинчи жойда вужуд иборалари орқали таҳлил этади. У инсон танасини қуйидагича таърифлайди: “Бадандин омонат топширган бир уловдир ва шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммолдир”[2]. Демак, Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, инсон учун тана улов, яъни, от - туя каби асл манзил-маконга, охират зиёратгоҳига етишга ёрдам берувчи воситадир. Шунингдек, инсон ўзига юқлатилган вазифаларни бажариши учун тана ҳаммол, яъни ёрдамчидир. Юсуф Ҳамадоний танани, бир томондан, дин омонат топширилган улов деса, иккинчи томондан, шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммол деб баҳо бермоқда.

Дарҳақиқат, танада жойлашган мия фаолияти ёрдамида инсон фикр юритади, кўз ёрдамида кўради, кулоқ билан эшитади, бурун билан ҳидлайди, тишлар билан овқатланади, ички узвлар билан уларни ҳазм қилиб, кераклисини танада сақлаб, чиқиндиларни олиб ташлайди, қўл билан меҳнат қилади ва оёқлари уни зарурий маконга этади. Демакки, бадан зарурий, керакли улов ва ҳаммолдир. Юсуф Ҳамадоний инсон учун танани керак, зарурий деб ҳисоблайди. Юсуф Ҳамадонийнинг танани инсон қамолоти учун зарурлигини таъкидлаши жуда ижобий ғоядир. Чунки, тана рух учун зулмат деб, рухпарастлар умуман танани ролини ва ўрнини инкор этадилар. Тана талабларини умуман инкор этиш нотўғри эканлигини Юсуф Ҳамадоний тўғри таъкидламоқда. У яна шундай изоҳлайди: “бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас”[3]. Демакки, тананинг мақоми ҳақ йўлига борувчи кишининг от ва туяси кабилар. Ғозийнинг дин йўлида ҳаракат қилишида, қай даражада от зарур бўлса ва ҳожи туясиз ҳажга бориб, фарзини адо этишдек бахтга муяссар бўла олмаса, инсон учун ҳам тана, от ва туя каби улов ва ҳаммол мақомида ҳисобланаркан.

Таҳлил ва натижалар. Юсуф Ҳамадоний инсон танасини тузилиши ҳақида ҳам фикр юритар экан, бу ҳақида “тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир. Унсурлардан иборат ҳар бир мавжудотда махлуқотнинг кейин яратилганлиги ва ўлимга маҳкумлигига доир минглаб аломат ва нишонлар бор” [4], - дейди. Яъни, тана фониийдир.

Рух – маънавий, рухий, номоддий ибтидон ифодаловчи тушунча. Юсуф Ҳамадоний рухга ҳам таъриф беради: “Рух- аслларнинг аслидир-дейди ва рухнинг ўрни ва мақомини шундай изоҳлайди: “Рухнинг борлиги соясида бадан кўради, билади, эшитади, ушлайди, юради” [5]. Юқорида биз танада мавжуд имкониятлар инсонни фикрлашга, кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эзгу ҳаракат қилишга ёрдам беришини айтган эдик. Лекин, кўзни

кўриши учун ҳам, миянинг тафаккур қилиши учун ҳам, кулоқни ишлаши-ю, қўл-оёқни ҳаракати учун ҳам баданда рух мавжуд бўлиши лозим. Демак, рухсиз тана жонсиз улов ва ҳаммол кабилар. Танага рух кирганида ундаги барча имкониятлар уйғониб, токи рух унда яшар экан инсонга хизмат қилади. Рухнинг мақоми юксакдир. Лекин, тана бўлмаса инсон ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмайди. Бу ғоялардан маълум бўлаяптики, Юсуф Ҳамадоний моддиончилар каби фақат танани инсон учун асосий демаган. Юсуф Ҳамадоний инсонга нисбатан таълимоти меъёрида бўлиб, моддиончи ёки рухпараст каби бир томонлама ва чекланган эмас.

Юсуф Ҳамадоний тана ва рухнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири - иккинчисини тақозо этиши ва уларнинг борлиги инсон тирикчилигининг асоси эканлигидан далолат беришини айтади. “Рухнинг хусусият-фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади”[6], - дейди.

Рух ёрдамида танада жойлашган узвлар фақатгина оддий кўриш, эшитиш каби вазифаларни адо этиб қолмасдан, балки миянинг тафаккур қуввати, назарда фаросат ва ибрат, эшитганининг ҳикмат маъзи, қўл-оёқ охират озиғи учун ҳаракати каби улғувор, юксак мақомга етишга ёрдам берар экан. “Жўмардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл мавзеси, қарам макони, яқинлик қароргоҳи, қудсият маскани, ҳаёт маҳали, унсият бўстони, севиг-дўстлик водийси, муҳаббат денгизи, сукунат майдони ва муқошафат йўли жон- рухдир”[7], деб таърифлайди. У тана ва рух бир-бирини тақозо этиши, боғлиқлиги билан бирга улар умуман бир-биридан фарқ қилишини қуйидаги тарзда изоҳлайди: “Нутфа, алақа, гўшт, суяк, соч ва юз каби бошқа борлиқлар ҳам рухга ўхшмайди, улар жонсиз, қотиб қолган ва ўлиқдир. Лекин, бу борлиқлар рух билан доимо тирик, ҳаракатда ва тоза, бузилмайдилар, сасимайдилар ва йўқ бўлиб кетмайдилар”[8].

Демак, ҳаётнинг, ҳаракатнинг, тоза-озодаликнинг, аслиятни сақланишининг асоси рух экан. Шунинг учун уни аслнинг асли, деб таъриф берганлар. Юсуф Ҳамадоний рух орқали инсоннинг аъзолари ҳаракатланиши, натижада инсон ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини таъкидлайди. Рухни таърифлаб: “Ирода ва ихтиёр ҳам унда”[9] дейди. Инсон нима ишни ирода этса ва ихтиёр қилса, у ҳам рух қувватидан экан. “Рух кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг қурувчисидир. Рух кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, ҳидлаш ва ҳидланган, топиш ва топилган, англаш ва англаганининг эшиги ҳам рухдир”[10].

Юсуф Ҳамадоний инсон танасига рух кирганидан сўнг, покиза бўлган соф фаришталар Одамга сажда қилгани ҳодисасини шарҳлаб, шунга асосланиб ёзадики, агар рух жавҳар ва зот жиҳатидан фаришталардан кўра покроқ, тозароқ ва софроқ бўлмаганда, Ҳаққа яқинлик ва макон жиҳатидан улардан улғуворроқ бўлмаганида эди, фаришталар рухга сажда қилмаган бўлардилар.

Юсуф Ҳамадоний “Одам алайхиссаломга рух уфурилгач, унинг бошидан оёғига қадар нурининг шуъласидан порлаб, нурланиб кетди. Малакут олами аъзоларининг ҳар бир зарраси бу офтоб нурининг порлашидан янада жонланди, нурланди. Бутун коинот ҳайбат ва итоатга йўналди”[11], деб ёзади. Демак, рух танага уфурилгач, инсонга бутун борлиқ сажда этиб, унинг хизматида шай булади. Рухни аслларнинг асли дейиш билан бирга, Юсуф Ҳамадоний саҳиҳ ҳадисларга асосланиб, рух жисмдан олдин яратилганлигини ва одамларнинг қалбдан бир-бири билан уйғун ёки ихтилофли бўлиши рухнинг таниши ва бегоналаниши, улфат бўлиши

ёки ихтилоф қилишига боғлиқ, деган фикрни эмас, бадан, қалб, рухларда фарқ йук, фарқ инсоннинг ўз бадани, қалби ва руҳи воситасида қилган амалларида кўринади, дейди. Инсон тана ва руҳи уйғун бўлган ҳаётлик вақтида унга берилган неъматлардан қандай фойдаланганлиги, эзгу ёки ёмон амал қилганлигига қараб баҳоланиши Юсуф Ҳамадоний, инсон учун ўзини бутун борлиқда естун қилиб қўядиган ақлу идрок, фаҳму фаросат, тил ва тафаккур қувватларини нима мақсадда сарфлагани, ҳаётий мезони эканлигини таъкидламоқда[12]. Инсон улардан эзгулик йўлида фойдаланиб, “ҳақиқий инсон”, “ҳазрати инсон” бўлиши мумкин. Шу билан бирга, унга берилган имкониятларни англамай тубан ҳайвон даражасига тушиши мумкин.

Юсуф Ҳамадоний инсон маънавий камолини қалб, сир ва руҳ ҳолати билан боғлайди. У инсон қалби Ҳақ йўлида бўлса, Иймон мақомида бўлишини ва Ҳақни кўриб тургани каби ва у ҳам сени кўриб тургани каби ҳолатда сир ва руҳ ибодати бўлиб, Эҳсон мақомига етган дейди. Демак, Юсуф Ҳамадоний фикрига кўра, инсон руҳи камолотининг даражалари қалб, сир, руҳ босқичлари бўлиб, Эҳсон энг юксак мақомдир. Унда руҳ бутун вужудни Ҳақ йўлига хизматда бўлишини бошқариб туради.

Юсуф Ҳамадоний бу мақомларни қуйидагича шарҳлайди: “Ақлли ва покиза инсонлар дуруст ва тўғри ишлари уйғоқ қалбдан вужудга келишини биладилар. Саҳих (тўғри) фикрлар тамиз сирларидан ҳосил бўлади. Покиза сир эса, соф ва мукаддас, тоза руҳдан вужудга келади”[13].

Юсуф Ҳамадонийнинг тана ва руҳга оид ғоялари Абдулҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Накшбандларнинг ҳожагон ва нақшбандия тариқатлари “Даст ба қору, дил ба Ёр” (Қўл ишда-ю, қалб Аллоҳ билан) шиорини вужудга келишига ғоявий асос бўлган. Натижада, бу тариқат аҳли хилватни анжуманда қилиб, ҳалол меҳнат билан тананинг қувватларини эзгулик йўлида сарфлаб, мудом Ҳақни қалбда зикр этган, тафаккур ва шуқурда бўлган. Айнан бу тариқатларнинг тана ва руҳ истакларига меъёрга муносабати, “Даст ба қору, дил ба Ёр” лик талаби уларни

жаҳон миқёсида тарқалишига ва ҳозирги кунда ҳам, тирик бўлиб яшашига имкон берган. Шунинг учун ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг ғоялари бунёдкор бўлиб, баркамол инсон тарбияси учун муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар. Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” (Рутбат ул-ҳаёт) асаридаги ғоялардан қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

Инсон тана ва руҳдан таркиб топган ва бутун борлиқда энг олий мақомда турган зотдир.

Тана руҳсиз жонсиз ва ҳаракатсиз. Руҳ танасиз ўз олдидagi вазифаларни бажара олмайди. Тана руҳсиз, руҳ танасиз камол топа олмайди. Инсон ҳаёти учун иккаласи ҳам зарур.

Тана нафс билан боғланган. Тана ҳузур-ҳаловатини меъёрида сақлаш учун нафсни жиловлаши лозим.

Руҳ аслларнинг асли, латиф, боқийдир. Инсон камолоти қалб, сир ва руҳ мақомлари даражасидадир.

Қалб покляниши билан Иймон мақомига етади.

Сир ва руҳнинг мақомлари ва инсон камолотининг олий даражаси Эҳсондир.

Тана ва руҳ аслини билиш ва уларга меъёрида муносабатда бўлиш зарур.

Тана фоний. Ундаги нафс истакларига берилиши инсонни ҳайвон ҳолатининг тубанлашувига олиб келади. Шунинг учун нафсни таниш, ўз-ўзини англаш, билишнинг асосидир.

Нафси жиловланган, буйсиндирилган тана руҳ итоатида бўлиб, эзгуликка хизмат қилади ва Ислоҳ мақомида бўлади.

Тана ва руҳ истакларига бундай меъёрга муносабатда бўлиш, инсон ҳаёти учун зарур.

Инсон ўзига берилган ҳаётий имконият, тана ва руҳ қувватларини эзгуликка сафарбар этиши ва шу билан тинч, хотиржам яшаши, ўз тириклик мезонини билишини англайди.

Инсон ўз ҳузур-ҳаловати, хотиржамлиги манбаини тўғрилаши, меъёрига, мезонига етказиши ўз номига муносиб тирик мавжудот бўлишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний етти пирларнинг табаррук устози. (монография) Т.: Nashir-PRESS, 2016. 140 б.
2. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.19.
3. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.19.
4. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.37.
5. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.49.
6. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). Одоб тариқат. Коинот ва инсон. – Т.: O'zbekiston musulmonlari idorasi "Movarounnahr", 2018. –Б.44.
7. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт), *Одоб тариқат, *Коинот ва инсон ҳақида [Матн] : рисола / Хожа Юсуф Ҳамадоний ; таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С. Сайфуллоҳ, Н. Ҳасан. - Тошкент : Movarounnahr, 2017. –Б.63.
8. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.50.
9. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.50.
10. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт), *Одоб тариқат, *Коинот ва инсон ҳақида [Матн] : рисола / Хожа Юсуф Ҳамадоний ; таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С. Сайфуллоҳ, Н. Ҳасан. - Тошкент : Movarounnahr, 2017. –Б.58.
11. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.51.
12. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний етти пирларнинг табаррук устози. (монография) Т.: Nashir-PRESS, 2016. 140 б.
13. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (рутбат ул-ҳаёт). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.48.
14. Ғиждувоний, Абдулҳолик. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний (Рисолаи соҳибия)*Васиятнома [Матн] : рисола / А. Ғиждувоний ; таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С. Сайфуллоҳ, Н. Ҳасан. - Тошкент : Movarounnahr, 2017.
15. Nunnanova G.B. Yusuf Hamadoni is the founder of the Central Asian school of sufizm // Научно методический журнал "Academy"№6(57).июнь 2020 62-65 с.
16. Барноев Санжар. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон ва коинот уйғунлигига оид таълимоти ва меъёр масалалари // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (УзА). Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2020-йил март сони.

-
17. Шадиёв Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии в IX–XIII вв.: дис.... докт-ра. филос. наук.– Самарканд, 1993.–С. 120 //Э. Наджибулои. – 1993.
 18. Шодиёв Р. Т. Критический анализ нравственных норм среднеазиатского суфизма. – 1983.
 19. Сафаров А. И., Хаккулов Н. К. Свойственные качества совершенному человеку в суфизме //Современная наука как социально-политический фактор развития государства. – 2019. – С. 48-50.